

Наср Элокхон
(?-1012, Ўзган)
(999-1012)

Мовароуннахр илик хони. Корахонийлардан. Хокимият тепасида расман хукмдор акаси Ахмад ибн Али Арслонхон эди. 996-йилда корахонийларнинг Мовароуннахрга хужум килганида бошчилик килган. Бухорони эгаллаш билан Мовароуннахрнинг босиб олинишини нихоясига етказган (999-йил октабр). Сомонийлар амири Абдумалик ибн Нух ва унинг кариндош-уруглари асир килиб, Ўзгандаги зиндонга ташланган. Шу тарика кудратли бўлган сомонийлар сулоласи кулаган. 1000-1005-йилларда илик Нух ибн Али сомонийлар хокимиятини тиклашга ҳаракат килган Мунтасирга қарши қурашган ва ғалаба килган. 1000-йил Махмуд Газнавий Нух ибн Али билан ўз ерлари ўртасидаги чегараларни белгилаш тўғрисида битим тузган, унга кўра, Амударё асосий чегара килиб белгиланган. Натижада сомонийлар давлати ўрнида иккита янги давлат ташкил топган: биринчиси – Қашқардан Амударёгача чўзилган, Шарқий Туркистоннинг бир қисмини, Ёттисув, Шош, Фарғона ва қадимги Сугд ҳудудини ўз ичига олган корахонийлар; иккинчиси – Шимолий Хиндистон чегарасидан тортиб Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган, ҳозирги Афғонистон ва Шимоли-Шарқий Эрон вилоятларини ўз ичига олган Газнавийлар давлати. Бироқ Наср ибн Али Хуросонни босиб олиш ниятидан бутунлай воз кечмаган эди.

1006-йил ва 1008-йилларда корахонийлар Хуросонга икки марта юриш килганлар. 1006-йилдаги юриш чоғида Махмуд Газнавий Хиндистонда эди. Корахоний қўшинлари Балх, Тус ва Нишопурни босиб олганлар. Бироқ Махмуд Хиндистондан қайтиб келиб, уларни қувиб юборган. 1008-йилдаги Балх яқинидаги жангда Махмуд қўшинида 500 та фил бор эди. Наср ибн Али қўшини тор-мор этилиб, корахонийларнинг Амударёнинг жанубидаги ҳудудларини эгаллаш йўлидаги ҳаракатлари шу тарзда тўхтатилган. Наср ибн Али нихоятда жасур ва довюрак, имон, эътиқодли шахс бўлиб, у ҳақда қўплаб ривоятлар тўкилган. Жамол Қаршийнинг ёзишича, Наср ибн Али буюк номдор ҳокон, жуда қўп фазилатлар соҳиби бўлган ва хижрий 402-йил (1011-1012)да Ўзганда вафот этиб, ўша ерда дафн этилган.